## Россия Федерацияси Президенти Б. Н. Ельциннинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин 1998 йил 11-12 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистон Республикасига келади.

## Ўзбек рассоми асарлари Германияда

Берлинда Ўзбекистон рассомининг асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазмани Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси билан АРТ—М галереяси ҳамкорликда ташкил этди. Кўргазмага рассом Ортиқали Қозоқовнинг «Бибихоним», «Келин», «Кўнгил», «Шоҳизинда» каби 20 га яқин асарлари қўйилди. Ушбу кўргазма немис санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотди.

Ортиқали Қозоқовнинг асарлари Америка, Франция, Италия, Япония, Англия, Испания, Бельгия, Туркия, Кипр, Марокаш, Канада, Исроил, Голландия, Швейцария, Корея каби ўнлаб хорижий мамлакатлар галерея ва шахсий коллекцияларидан жой олганлиги ҳам рассомнинг иқтидоридан далолатдир.

*Бобомурод РАЙИМОВ*

## Дўстлик байрами

Республика байналмилал маданият марказида Озарбойжон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда Озарбойжон —Ўзбекистон дўстлик жамияти аъзолари, республикада фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, маданият ходимлари, Озарбойжоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари қатнашдилар. Озарбойжоннинг республикамиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Айдин Азимбеков сўзга чиқиб, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқалар тобора ривожланиб бораётганлиги, хусусан мустақилликдан сўнг 40 дан зиёд шартномалар имзоланиб, улар фаол ҳаракатда эканлиги, бу иккала томонга ҳам ўзаро манфаат келтираётганлигини таъкидлади. Шундан сўнг сўзга чиққан Озарбойжон—Ўзбекистон дўстлик жамияти раиси, Республика ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умрзоқов бундай алоқалар бундан кейин ҳам ривожланиб боришига ишонч билдирди.

Кечада Республика Бош вазири ўринбосари Р.Юнусов ва Олий Мажлис Раиси ўринбосари Б.Бугров иштирок этди.

*Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ*

## Ноёб операция амалга оширилди

Тошкентдаги В. Воҳидов номли Жарроҳлик илмий маркази Марказий Осиёда юрак-қон-томир жарроҳлиги бўйича йирик даволаш ва илмий-тадқиқот маскани ҳисобланади. Бу ерда ноёб операциялар ўтказилибгина қолмай, юрак-қон томирлари тизими, нафас йўллари ҳамда қорин бўшлиғи органлари касалликларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг энг янги технологиялари ишлаб чиқилиб, ўзлаштирилади.

Америкалик жарроҳлар гуруҳи 10 кун мобайнида ушбу марказ ходимлари билан ҳамкорликда 15 та мураккаб операция ўтказди. Унинг ўзига хослиги шундаки, операция уриб турган юракда ўтказилди.

*Зулхумор АБДУРАҲМОН қизи*

## Янги толага талаб катта

«Каттақўрғон» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти жамоаси аъзолари бу йил 38495 тонна пахтани қайта ишлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган.

— Ҳозиргача бу йилги ҳосилдан 300 тонна сифатли ва қимматбаҳо тола ажратиб олдик. Шундан 100 тоннасини Жанубий Кореяга жўнатдик, — дейди жамият раиси Н. Орзиев. — Бундан ташқари тайёрланган толамиз Италия, Швеция, Ирландия, Франция каби жаҳоннинг етакчи давлатларига ҳам жўнатилади.

*Лутфулла МАМАСОЛИЕВ*


*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 8 октябрь, пайшанба • № 120 (23.357).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган


## XXI аср ўзбек ёшлари

*Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат*

*Абдулла ОРИПОВ*

## ОДДИЙ МУАЛЛИМ

Муаллим ким? Ўзингга ишонмай қийналиб юрган дамларингда сенга ҳамфикр, далда берган инсон борки, ҳаммаси муаллимдир. Ушбу шеъримни ҳеч ким танимаган, бироқ менинг юрагим тўрида яшайдиган оддий муаллимларимга бағишлайман.

*Қадри билинади менга энди гоҳ,*
*Оддий мактабимга ўша беҳашам,*
*Навоийку бизга устоздир бироқ,*
*Кимдир ўқитганку, Алишерни ҳам.*
*Шундай буюк зотга ҳарф ўргатган ким?*
*Оддий муаллимда, оддий муаллим.*

*Тупроқдек хокисор безовта жонлар,*
*Аммо қаноатда тоғдек улуғвор,*
*Ҳатто Темурдайин соҳибқиронлар,*
*Пирим деб этагин ўпган зотлар бор.*
*Буюк жаҳонгирга йўл кўрсатган ким?*
*Оддий муаллимда, оддий муаллим.*

*Аяган ҳаёт ниш-санчиқларидан,*
*Йиқилса кўтарган қўлтиқларидан,*
*Отадек эзилган ғуссага ботса,*
*Боладек қувонган ютуқларидан,*
*Уйқуда шогирдин ўйлаб ётган ким?*
*Оддий муаллимда, оддий муаллим.*

*Йўқдан Берунийни бинолар қилган,*
*Ҳусайнни Ибн Синолар қилган,*
*Машрабни машҳури дунёлар қилган,*
*Абдуллонинг тилин бурролар қилган,*
*Илон ўйнатгандек Сўз ўйнатган ким,*
*Оддий муаллимда, оддий муаллим.*

*Улфатим кўп, аммо бир дўсти ҳамроҳ,*
*Ҳалим тополмайман ундан ҳалимроқ.*
*Қанча устоз кўрдим, қанча олийгоҳ,*
*Олим тополмадим ундан олимроқ.*
*Бола юрагимда бебаҳо тилсим,*
*Оддий муаллим у, оддий муаллим*

*Юзга кираман мен, худо хоҳласа,*
*Эҳтимол юздан ҳам ўтарман дуркун.*
*Қайноқ қучоғига ҳурлар чорласа,*
*Ҳеч кимдан қарзим йўқ, кетарман бир кун.*
*Бўлса ҳам бир зотдан бўлади қарзим...*
*Оддий муаллим у, оддий муаллим.*

*«Обуна-99»*

## Газетамизнинг доимий мухлисимисиз?

*1. «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ва «Осиё бозори» газеталарига ўтган йили обуна бўлганмидингиз?*

*2. Жамоангизда неча киши меҳнат қилади? Келгуси йили ҳам газеталаримиз билан ҳамкорлик қилиш ниятингиз борми?*

**Равшан САИДОВ — Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши котибияти раҳбари:**

**— «Ўзбекистон овози» газетасининг узоқ йиллардан бери мухлисиман. Бу давомийликни тўхтатишга ҳеч қандай асос йўқ.**

**Котибиятимиз иш ўринлари жадвали унчалик катта эмас. Аммо, яқинда ёруғликка чиққан «Ўзбекистон» халқаро рангли суратли журнал, «Тошкент гуллари» дастаси, 30 дан ортиқ турли мамлакатлар билан тузилган дўстлик жамиятлари, мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларидаги бўлимларимиз жамоаларини ва маданият, санъат, маориф, фан каби соҳалардаги тузилган 28 та халқаро профессионал секцияларимизни ҳисобга олсак биз билан ҳамкорлик қилаётганларни минглаб санаш мумкин. Улар орасида ҳам газетангизга обуна бўлувчилар оз эмас, деб ўйлайман.**

**1999 йилда ҳам ижодий жамоангиз билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш ниятидамиз. Чунки, нашримиз бўлган «Ўзбекистон» журнали газеталарингиз билан турдош ва отдошгина эмас, балки олдига қўйилган мақсадларининг ҳам муштарак томонлари кўп.**

*Бу дунёнинг ишлари*

## Таъсис съезди бўлди

**Остона шаҳрида "Қозоғистон учун 2030" жамоатчилик ҳаракатининг таъсис съезди бўлиб ўтди. Ушбу ҳаракат Президент Нурсултон Назарбоевга Президент сайловларини муддатидан илгари 1999 йилда ўтказиб, давлат раҳбари лавозимига ўз номзодини қўйишини тавсия этди. Н. Назарбоев съездда сўзга чиқиб, сайловлар Конституцияга мувофиқ 2000 йилда ўтказилиши керак, деди. Лекин шунга қарамай, ушбу таклифда жон бор, деди. Н. Назарбоев "Қозоғистон учун 2030" ҳаракати ташкил этилганлигини табриклади. Ҳаракат йўналтирувчиси мажлис депутати Анвар Баталовнинг айтишига кўра, ҳаракат таркибида республиканинг 13 вилоятидаги 200 бошланғич ташкилотлар бўлиб, унинг 8 мингдан зиёд аъзолари бор. „Уларнинг нияти Н. Назарбоев олиб бораётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлашдир.**

## Қўшимча чоралар кўрилмоқда

Президент Асқар Акаев тадбиркорлик ва сармоя ажратувчиларга қулай имкониятлар яратиб бериш борасидаги қўшимча чоралар ҳақидаги Фармонга имзо чекди. Фармоннинг асосий мақсади узоқ муддатли хорижий сармояларни 15 фоизга етказиш.

## Тараққиёт нишонаси сезилмади

**НАТО Косоводаги можароларга аралашиб турган шароитда Американинг махсус вакили Ричард Холбрук Югославия Президенти Слободан Милошевич билан музокараларни давом эттирди. Бироқ, бу музокарадан ҳеч қандай тараққиёт нишонаси сезилмади. Ўтган сешанба куни Холбрук Косовода бўлиб, Югославия у ердан қўшинларини олиб чиқиб кетмаганлигини аниқлади. Сербия полицияси эса, Косовони тарк этмоқда. Нью-Йоркда эса БМТ Хавфсизлик кенгашида Косоводаги вазият муҳокама қилинди.**

## Жанговар тайёргарлик

Югославия ракета қўшинлари ва ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари тўла жанговар тайёргарлик ҳолатига келтириб қўйилди. Бу ҳақда ҳарбий муаммолар ҳамда қуролланиш тизимлари бўйича таниқли эксперт Мирослав Лозанский мухбирларга хабар қилди. Унинг айтишига кўра, ҳарбий ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари НАТО томонидан қилинадиган ҳар қандай ҳужумни қайтаришга шай эмиш. НАТО эса ўз навбатида синовдан ўтган "Саҳродаги бўрон" операциясини Европа шароитида қўллар экан. Британия ва Германиянинг "Торнадо" самолётлари махсус бомбалар ва миналар билан қуроллантирилган ҳолда ҳужумга шай турибди.

## Махсус ҳужжат чиқарилади

**Ироқни қуролсизлантириш ракета ва кимёвий қуроллар соҳасида якунланди, бироқ, биологик қуроллар борасида бу иш ниҳоясига етгани йўқ. Ироқни қуролсизлантириш бўйича БМТ махсус комиссиясининг маърузасида шундай дейилади. Маруза матни яқин вақт ичида эълон қилинади. Махсус комиссия раиси Ричард Батлер ва унинг эксспертлари Ироқни қуролсизланиш бўйича аниқ ахборотларни етказиб бериши зарур деди. Маърузада айтилишича, халқаро инспекторларни Ироқ объектларига етиб бориши қониқарли эмас. Ушбу маруза Ироқ бош вазирининг ўринбосари Тариқ Азиз томонидан кескин танқид қилинди. Азиз куни кеча махсус комиссия билан Ироқ ўртасида ўзаро ишончсизлик борлиги муҳим муаммолардан биридир, деди. Бағдод махсус комиссияни ва шахсан Батлерни Вашингтоннинг буйруғи остида иш юритаяпти, деб айблади.**

# Паррандага мол еми берилгач...

Тахиатошдаги «Қуссилик» ҳиссадорлик жамияти бир вақтлар йилига 40-45 миллион дона тухум, 500-600 тонна товуқ гўшти етиштирган. Ҳозир эса 230 минг товуқ асраш қувватига эга бўлган фабрикада 160 минг товуқ боқиш имкони бор. Ҳарқалай, йил бошида бинолар, техника, анжомларнинг аҳволини кўздан кечириб, шундай режалаштиришди. Бугунги кунда боқилаётган товуқларнинг сони эса... 30 мингдан сал зиёд.

— Турли сабабларни рўкач қиладиган,замон эмас, — дейди жамият раиси вазифасини бажарувчи Омонқўс Қанатбоев ва ...ўша сабабларни айтаверади, айтаверади.

— Икки ой бўлди паррандаларга молларнинг емини беряпмиз. Товуқлар 1600-1800 граммдан 1200-1300 граммга тушиб қолишди. Ҳозир Тахиатош ун комбинатида паррандалар учун махсус ем чиқарилмаяпти. Бундай емнинг таркибида доннинг ўзидан 10- 12 хили бўларди. Ун комбинати зўр ишлаган пайтда биз ҳам зўр ишлаганмиз.

Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида ҳар бир товуқдан режадаги 126 ўрнига 41 тадан, жами 2 миллион 336 минг ўрнига бор-йўғи 668 минг 400 дона тухум олинди. Товуқлар ҳам анойи эмас экан-да... Ҳалиям, молнинг емини еб, сут бермай, тухум туғаётганига шукур қилаверинг...

Жамиятнинг турли корхона ва ташкилотлардан 12 миллион сўмга яқин қарзи бор.

— 3 миллион 300 минг сўмни сўраяпсизми? — дейди Омонқўс Қанатбоев. — ҚкРесгаздан. Икки

*Аччиқ, аммо очиқ гаплар*

йилдан буён газ ҳақини тўламаган эканмиз. Жарималари билан анча кўпайибди.

Жамият раҳбарлари эса дебитор қарзларини ундириб олиш тўғрисида бош қотиришмаяпти, шекилли. Уларнинг рўйхатида ҳатто номлари йўқ бўлиб кетган райПО, ОРСлар ҳам бор. Қайсидан 15 минг, қайсидан 150 минг сўм... Албатта, бундан тўрт йил олдинги нархлар билан ҳозирги нархларни солиштириб бўлмаслигини ҳисобга олсангиз, уч-тўрт йиллик қарзларни ундирмай, ўзларига қанчалик зарар етказишганини тушуниш қийин эмас. Албатта, буни энг аввало жамият раҳбарлари тушуниб олишлари керак. Аммо, бу рақамлар дебитор-кредитор қарзларини йўқотишга масъул идораю раҳбарларнинг назарига ҳам тушмагани ҳайрон қоларли.

— Бош ҳисобчимиз қарздор ташкилотлар ва улар жойлашган туман прокурорларига икки-уч ой олдин хат жўнатдик, деяётувди, — изоҳ беради Омонқўс Қанатбоев.

Молиявий ишларни ҳам ҳоким билан гаплашдик. Маблағ топиш масаласини ҳал қиляпмиз.

Йил бошида белгилаганларимиз амалга ошганда-ку, аҳволимиз ўнгланиб кетарди-я. Ўшанда кунига икки минг дона тухум олардик. Режа бўйича ҳозир кунига 10 минг дона тухум олишимиз керак эди.

— Оляпсизларми?

— Минг донага тушиб қолди.

Ишқилиб, «Қуссилик» жамияти ёшуллилари турли баҳоналарни қалаштирмай, бойишни истаган киши ўзи ҳаракат қилиши лозимлиги, ҳозирги шароитда корхонанинг аҳволи кўп жиҳатдан раҳбарнинг ишбилармонлигига боғлиқ эканлигини тушунгунча, товуқлар тухум туғишни биратўла тўхтатиб қўймаса бўлгани...

*Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири*

# Фуқаролик жамияти: мақсад ва масъулият

*Республика Бош прокурори, 1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Бўритош Мустафоевнинг «Ўзбекистон овози» газетаси мухбири саволларига жавоблари*

*— Ҳурматли Бўритош Мустафоевич, Ватанимиз мустақиллигининг етти йиллик байрамини кўтаринки руҳда нишонладик. Ўтган йилларда прокуратура тизимида қандай муҳим ўзгаришлар рўй берди?*

— Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тизимидаги ўзгаришларни мустақиллик йилларида мамлакатимиз қиёфасида, халқимиз ҳаётида юз берган ўзгаришлардан айрича тасаввур этиб бўлмайди. Назаримда, кишиларимиз қалбида эртанги кунга, истиқлолнинг истиқболига ишонч туйғусининг теран илдиз отиб, барқ уриб ривожга кирганини ўтган етти йилликнинг энг муҳим ютуғи сифатида баҳоламоқ даркор. Бугунги дунё билан бемалол бўйлаша оладиган катта-катта корхоналарнинг қисқа муддатда ишга тушиб, маҳсулот бера бошлагани халқимизнинг руҳинигина эмас, балки қадди-қоматини ҳам анча баландга кўтариб қўйди. Кеча «қойиллатиб» пахта чопиб юрган ўзбек болалари бугун шамолдан-да учқур автомобиллар ишлаб чиқармоқда. Электрон техникалар ясамоқда. Давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ҳам кун сайин ошиб бораётир.

Биргина мисол: Мана яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таклиф этган мақомда Афғонистон можаросини ҳал этишга киришди.

Ўзбекистон Халқаро маданий тадбирлар, катта спорт мусобақалари ўтказиладиган мамлакатлардан бири бўлиб қолди.

Албатта, буларнинг бариси мамлакатимизда ҳукм сурган барқарорлик, тинчлик туфайли. Республика прокуратураси ва унинг жойлардаги идоралари ходимлари Конституция ва мавжуд қонунларимиз доирасида эл-юрт осойишталигини таъминлаш ишига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Маълумки, мустақиллик эълон қилингандан кейин, давлатимиз тузилишидаги ўзгаришларга мос равишда прокуратура тизимида ҳам қатор структуравий янгиланишлар юз берди. Аввал бошдан Ўзбекистон прокуратураси собиқ Иттифоқ (аслида Россия) прокуратурасидан ажратилиб, унга ўз давлатимиз қонунларига амал қиладиган мустақил орган мақоми берилди. Илгари тўғридан-тўғри Марказга бўйсунувчи Транспорт ва Ҳарбий прокуратуралар, республика прокуратураси тасарруфига олинди. Бир қатор янги бошқармалар ва бўлимлар ташкил этилди.

Ўзбекистон Конституцияси ва «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга биноан Республика прокуратураси ҳар қандай партиядан ҳоли, мамлакатимиз ҳудудида қонунларимизга бир хилда аниқ амал қилинишини назорат этувчи мустақил давлат идораси ҳисобланади.

Мен мустақиллик йилларида прокурор-тергов ходимларимиз онгида ўзига юклатилган вазифалар ва бурчига масъуллик ҳиссининг янгича руҳда шаклланиб, камолга етаётганини алоҳида мамнуният билан қайд этишни истар эдим.

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этилаётган, мамлакатимиз фуқаролик жамияти пиллапояларидан қадам-бақадам юксалиб бораётган шароитда сафдошларим онгидаги прқурор деган номга ҳурмат ва масъулият билан муносиб бўлмоққа интилиш, мундир шарафини қадрлай билиш кўникмасининг камол топаётганини кузатиш ва бу жараёнда бевосита иштирок этмоқ киши қалбига ажиб ҳаяжон бағишлайди. Президентимизнинг талаблари, камчиликларимизни ўз вақтида кўрсатиб, уларни тез орада бартараф этиш учун муттасил ҳар томонлама эътибор бериб келаётганликлари туфайли бугун мустақиллик даври талабларига монанд равишда ишлай оладиган ҳуқуқий тизим барпо этилди, дейишимиз учун ҳамма асос бор.

*— Шу йилнинг ўзидаёқ Олий Мажлис сессияларида бир қатор муҳим қонунлар қабул қилинди. Уларни ҳаётга тадбиқ этишда прокуратура органларининг ўрни ҳақида гапириб берсангиз.*

— Конституцияга биноан Республика прокуратураси давлатимиз қонунларининг мамлакатимиз ҳудудида бир хилда амал қилинишига масъул экан, бу аввало барча ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари мазкур қонун ҳужжатларининг ишлаш механизмини яхши ўзлаштириб олишларини тақозо этади. Шунинг учун Адлия вазирлиги ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари масъул ходимлари билан ҳамкорликда ҳар бир сессиядан кейин қабул қилинган қонунларни амалиётга қўллаш услубиётини ишлаб чиқиш учун минтақаларароо конференциялар ўтказиш тажрибасидан фойдаланмоқдамиз. Масалан, бу йил Тошкент, Фарғона, Урганч ва Қарши шаҳарларида ўтказилган минтақавий конференцияларда Олий Мажлиснинг XI сессиясида қабул қилинган «Ер кодекси», «Оила Кодекси», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида» ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунларни амалиётда қўллашга оид масалалари ишлаб чиқилди. Унда Республика прокуратураси қошидаги прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази ва Адлия вазирлиги қошидаги Ҳуқуқий маърифат ва тарғибот Республика Маркази олимлари фаол иштирок этдилар.

Бу фаолиятимизнинг навбатдаги босқичида, яъни қонун ҳужжатларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ қилишимизда жуда қўл келмоқда.

Ўзингиз таъкидлаганингиздек, Олий Мажлиснинг ҳар бир сессиясида қатор қонунлар қабул қилинади. Бир қатор янги қонунларнинг лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига чиқарилади. Ҳозирга қадар уч юздан ошиқ янги қонунлар қабул қилинган. Уларни халққа етказиш ҳар бир прокуратура ходимидан жуда катта сабр-тоқатни талаб этади. Шунинг учун оммавий ахборот воситалари ва матбуотда чиқишлар, ўқув юртларида, маҳалла ва корхона-ташкилотлардаги учрашувлар прокурор фаолиятининг таркибий қисмини ташкил этади. Ходимларимиз республика ва вилоятларда чиқиб турган юридик нашрлардан ҳам самарали фойдаланмоқдалар.

Энди бевосита прокурор назоратига келсак, унинг қамровини тасаввур этмоқ учун битта мисол келтираман: Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини сотишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ўтган йил 24 июлда чиқарган қарори ижросини текшириш якунига

*(Давоми 2-бетда)*

## Янги лаборатория

**Марҳаматдаги «Ўқчи» заводи жамоаси ўзи ишлаб топган маблағ ҳисобига янги лаборатория очишди.**

Бу билан корхонага хўжаликлардан келтирилган пахтанинг нави, намлиги ва ифлослик даражасини дарҳол аниқлаш имконияти яратилди. Мана шу лаборатория кўригидан ўтказилган хомашёгина корхонага қабул қилинмоқда.

— Ўтган мавсумда мазкур лаборатория йўқлиги учун завод қошидаги қабул пунктининг технология лабораториясидан фойдаланишга мажбур бўлардик, — дейди лаборатория мудири Ҳомиджон Бўтабоев. — Бу ишимизда анча қийинчиликлар келтириб чиқарарди. Энди ҳар икки лабораторияга алоҳида-алоҳида жиҳозлар ўрнатилди. Технологик лабораторияда фақат тола ва чигитнинг таркиби текширилади. Бу эса тайёр маҳсулотнинг сифатини яхшилашга хизмат қилади.

*Сафарали АБДУРАҲИМОВ*

*Партия ҳаёти*

## Фаоллигимиз боиси нимада?

Партиядан сайланган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Агитой Адилов раислик қилаётган «Тахтакўпир» ҳиссадорлик жамияти уюшмаси шоликорлари туманда пешқадам. Бу биргина мисол, холос. Туман партия ташкилоти тизимида ҳозир 43 та бошланғич, шундан 13 таси ҳудудий, 56 та цех партия ташкилотлари, 22 та партия гуруҳлари бўлиб, 2 минг 72 аъзо бор. Бутун диққат-эътибор ҳозир дала ишларига қаратилган. Ўзбекистон ХДП туман кенгаши аъзолари ҳисобидан ҳар хил соҳалар бўйича штатдан ташқари 6 та комиссия ишлаб турибди. Партиявий-сиёсий, мафкуравий ишларнинг 10 та таянч пунктларида маърифат марказлари ишлаяпти. Қолган партия ташкилотларида ахборот бурчаклари ташкил қилинди. ХДП туман кенгаши қошидаги матбуот маркази ҳам шу кунги долзарб ишлар билан машғул.

«Тахтакўпир» қишлоқ хўжалиги ҳиссадорлик жамияти ҳудудий партия ташкилотида (котиби Н.Ақшабоев) фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга эътибор билан қаралаётган бўлса, «Ўзбекистон» ижара хўжалиги уюшмаси партия ташкилотида (котиби Ж. Давлетиёров) партия фаолларини тарғибот-ташвиқот ишларига жалб қилишдаги ишлари мақтовга лойиқдир. Ана шундай ибратли фаолиятни туман киновидео бўлими бошланғич партия ташкилотида (котиби З. Акимниёзова) ҳам кўриш мумкин.

Туман партия кенгаши ҳар йили бошланғич, ҳудудий, цех партия ташкилотлари котиблари билан семинар-кенгаш ўтказади. Унда энг илғор, намунали ишлар оммалаштирилади, ишда йўл қўйилаётган хато-камчиликларни бартараф қилиш тадбирлари белгилаб олинади.

Бундай семинар-кенгашлар ўтказиш туманимизда анъана бўлиб қолди. Мақсад — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг обрўсига-обрў кўшиш. Мен шунинг учун ўзимнинг фикр-мулоҳазаларимни, таклифимни билдиришни истардим.

**Биринчидан**, партия кадрларининг билимини, малакасини, ишчанлиги, тадбиркорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республика партия кенгаши қошида махсус курслар ташкил қилинса;

**иккинчидан,** шаҳар ва туманлар, йирик бошланғич партия ташкилотларидаги маърифат марказларини тегишли адабиётлар билан таъминлаш марказлаштирилган усулда амалга оширилса (Агар зарур бўлса маблағларни ўтказиб ҳам берардик);

**учинчидан**, ишлаб чиқаришда синалган илғор партия аъзоларини маънавий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида шаҳар ва туманлар партия кенгашларининг «Ҳурмат ёрлиқлари» марказлаштирилган усулда нашр қилинса, нур устига аъло нур бўлур эди.

*Омангелди МАТНИЁЗОВ,*
*Ўзбекистон ХДП Тахтакўпир туман кенгашининг котиби.*

## Газ қолиб ...

Денов туманининг кўплаб хўжаликларида ўтган йили қишнинг қирчиллама совуғига қарамай газ бўлмаган кунлар кўп бўлди. Газга ишониб, кўмир ёқадиган печларни олдириб ташлаган ёки ўтин йиғмаган хонадонларнинг аҳволи оғир кечди. Шунданми бу йил газ деса қўлини ювиб қўлтиғига артадиганлар туман аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этади.

Хўш, бу йилги қишда деновликлар табиий газдан баҳраманд бўладиларми? Қирчиллама совуқни билмадигу аммо ҳозирданоқ туманнинг кўплаб хўжаликларидаги газ қувурлари «музлаб қолган». «Зангори олов» келмаяпти. Айни пахта йиғим-терим палласида газни ўчириб қўйишса алам қилади-да! Эрталаб ҳам, даладан хориб-чарчаб келиб ҳам таппи ёқиб чой қайнатиш, овқат қилиш осонми? Хўжаликлардаги аҳоли ягона қўйини-ю, охурдаги ғунажинини сотиб бўлсада уйини газлаштириб олган эди.

— Туман жамоа хўжаликлари аҳолиси фойдаланилган табиий газ бўйича шу йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра биздан 12 миллион 730 минг сўм қарздор, — дейди биз билан суҳбатда «Деновтумангаз» газ таъминоти идораси раҳбари Тошпўлат Мирзаев. — Марҳамат, хўжалик раҳбарлари пулини тўласин, худди шу куниёқ мурватни бураймиз. Акс ҳолда иложимиз йўқ, дея раҳбар «Сурхондарёгаз» вилоят ишлаб чиқариш бошқармасининг 22.09.98 йилда юборилган 235-телефонограммасини кўрсатди. Унда жумладан шундай дейилади: «Кунлик нормадан ортиқча газ олинаётганлиги учун 23.09.98 йилдан бошлаб туманда газ бериш бутунлай тўхтатилсин. Акс ҳолда бошлиққа нисбатан маъмурий жазо қўлланилади».

Тўғри-да, беҳисоб дунё борми? Ўз вақтида ҳисобкитоб қилинганида эди, шундай оворагарчиликлар бўлмасмиди? Туманнинг «Ҳазарбоғ» ва «Ғалаба» жамоа хўжаликларигинА «Деновтумангаз» идорасидан қарз эмас. Қолган 9 та хўжаликнинг ўзига яраша — 53 мингдан 4 миллион сўмгача қарзи бор.

*Абдумалик ҲАЙДАРОВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*

## Бир миллион туп терак

Қўқон ўрмон хўжалигида 4 минг гектардан ортиқ табиий ўрмонлар мавжуд. Ўрмончилар ёғочбоп дарахт кўчатларини етиштиришга жиддий аҳамият беришяпти. Кейинги йиллар Америка, Хитой мамлакатларидан керакли тез ўсувчи янги навлар олиб келиб экилди. Касалликларга чидамли, ёғочи пишиқ бу тераклар шитоб билан ўсяпти. Ўрмон хўжалиги меҳнаткашлари сўнгги пайтда республикамизнинг турли вилоятларига 1 миллион туплан ортиқ кўчат етказиб беришди.

*Ўз мухбиримиз*

## Соф ҳавони сақлай

Ҳар бир инсоннинг саломатлиги, узоқ умр кўриши, яшаётган муҳити, аввало, нафас олаётган ҳавонинг тозалигига боғлиқ. Улуғ алломамиз Абу Али Ибн Сино шундай нақл қилган эди: «Агар ҳавода чанг ва тутун бўлмаганида инсон минг йил умр кўрарди». Ҳозир биз минг йил у ёқда турсин, юз ёшга кирганларни кўриб қолсак ҳавас билан қараймиз. Чунки одам умри тобора қисқариб кетмоқда. Кейинги маълумотларга кўра, республикамизда эркакларнинг ўртача умр кўриши 66,1, аёлларники эса 72,4 ёшни ташкил этар экан. Агар 1985 йилда республикамизда 2925,3 одам турли касалликлар билан оғриган бўлса, 1996 йилда бу рақам 3743,6 га ўсди. Бунинг асосий сабабларидан бири эса нафас олаётган муҳитимизнинг ифослигидир.

Албатта, атмосфера ҳавосини ифослайдиган манбалар бир кунда пайдо бўлган эмас, у йиллар давомида техника тараққиётининг ўсиши ҳамда табиат неъматларини ўзлаштира бориш асносида вужудга келган. Аммо, савол туғилади: наҳотки иқтисодий фаровонлик деб ҳаво тозалигини, муҳитимиз поклигини бой бериб қўйсак? Бугун жаҳон ҳамжамияти, барча давлатлар ва ноҳукумат ташкилотлар ҳам ана шу саволга жавоб изламоқда. Айтиш мумкинки, бу саъй-ҳаракатлар аста-секин ўз натижаларини ҳам бера бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, 1997 йилда республикамизда тарқалаётган ифлословчи моддалар ўрта ҳисобда 2,3 миллион тоннани ташкил этган. Бу 1996 йилдагига нисбатан 170 минг тонна кўпдир. Жумладан, ҳаракатдаги манбалардан 1996 йилда 1366 минг тонна ифлословчи моддалар ҳавога чиқарилган бўлса, 1997 йили бу кўрсаткич 1507 минг тоннани ташкил этди. Кўчмас манбаларда бу кўрсаткич, юқоридаги тартибга кўра, 857,5 ва 837 минг тоннани ташкил этди. Кўринадики, кўчмас манбаларда ифлословчи моддалар миқдори 21 минг тоннага камайган. Бунга баъзи бир корхоналар иш фаолиятининг тўхтатиб қўйилиши сабаб бўлди. Шунингдек, зарарли ишлаб чиқариш участкалари ва объектлари фаолияти тўхтатилганлиги туфайли ҳам ҳаводаги ифлос моддалар миқдори 3,38 минг тоннага камайди.

Бироқ, бу кўрсаткичлар муаммони эътибордан четга суриб қўйса бўлади, деган хулосани бермайди. Чунки, иқтисодий ривожланиш, унинг ўсиши, ўзгариши, техника тараққиёти ҳеч кутилмаган тарзда атроф-муҳитга жиддий хавф солиши мумкин.

*Табиат муҳофазаси*

Аниқ ҳисоб-китобларга кўра, кўчмас манбалар атмосфера ҳавосига 150 турдан ортиқ ифлословчи моддаларни чиқариши мумкин. Бундай ҳолат саноат корхоналари зич жойлашган Тошкент, Бухоро, Фарғона, Навоий каби шаҳарларда кўп учрайди. Атмосфера ҳавосини ифлослантиришда «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси, Энергетика вазирлиги, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати, «Ўзқурилишматериаллари» каби ишлаб чиқариш соҳаларининг ҳиссаси юқорилигича қолмоқда. Айни пайтда бу вазирлик, корпорация ва бирлашмалар таркибига кирган ишлаб чиқариш корхоналари республикамиз иқтисодиётининг ривожланишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шу боис ҳам асосий вазифа мазкур корхоналарда эҳтиёт чораларини мустаҳкамлаш, экологик меъёрларга қаттиқ риоя қилинишини таъминлаш, ифлословчи моддаларни ушлаб қолувчи тўсиқлар ўрнатишдан иборат бўлиши керак. Атроф-муҳит экологиясига жиддий путур етказадиган ҳар қандай ишлаб чиқаришдан эса, барибир воз кечиш лозим. Акс ҳолда унинг фойдасидан зарари кўпроқ бўлади. Бинобарин, инсон саломатлиги ҳамма нарсадан афзал ва уни ҳеч қачон моддий бойлик билан ўлчаб бўлмайди.

Атмосфера ҳавосини ифлослайдиган йирик манбалардан бири транспорт воситалари, дедик, уларнинг улуши 60 фоизни, баъзи бир шаҳарлар (Андижон, Бухоро, Самарқанд, Тошкент)да эса ҳатто 70-80 фоизни ташкил этади.

Транспорт воситалари ёқадиган бензин таркибида қарийб 280 га яқин инсон организми учун зарарли қолдиқлар мавжудлигини олимлар аллақачон аниқлаган: углерод оксиди, бенз(а)пирен, азот оксиди, қўрғошин каби бирикмалар одам қон айланиши, асаб, юрак-қон томирлари системасига салбий таъсир этаётганлиги ҳаммамизга маълум.

Хўш, бу борада республикамизда қандай тадбирлар амалга оширилмоқда? Шу савол билан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бош бошқармасининг бошлиғи В. М. Рижовага мурожаат қилдик.

— Данияннинг Орхус шаҳрида атроф-муҳит муҳофазасига бағишлаб ўтказилган тўртинчи конференция 2005 йил 1 январдан кечикмай автомобиль транспортида умумий фойдаланилаётган бензинга қўрғошин, этил спирти қўшишни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди, — дейди Валентина Михайловна. Биз Жаҳон банки, Европа иқтисодий комиссияси, Дания агентлиги ҳомийлигида бензинга қўрғошин қўшишни тўхтатиш бўйича миллий мажбурият дастури устида иш олиб бормоқдамиз. Бу дастурга кўра Фарғона нефть ишлаб чиқариш заводини этилсиз бензинга мослаштириш, Бухоро нефть заводининг иккинчи навбатини ишга тушириш, автомобилларнинг бир қисмини қисилган газга ўтказиш, ёнилғи сифатини назорат қилиб борувчи тизимни вужудга келтириш, четдан этил қўшилган бензин келтиришни тақиқлаш, ёнилғи сифати бўйича стандартлар ишлаб чиқиш, этилсиз бензинга ўтганларни рағбатлантириш, қўрғошин бирикмасининг аҳоли саломатлигига кўрсатаётган салбий таъсири тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориш ва бошқа тадбирлар кўзда тутилган.

— Валентина Михайловна, булар келажакда амалга ошириладиган жуда хайрли тадбирлар, албатта. Аммо бугунги кунда транспорт воситалари томонидан ҳаво ифлосланишининг олдини олишдаги амалий ишлар тўғрисида нималар дея оласиз.

— Ҳозирги вақтда республика автомобиллар парки структурасидаги автомобилларнинг 885701 таси хусусий секторга тегишли. Ўзбекистон Республикаси нефтни қайта ишлаш корхоналари мажмуи 1997 йилда турли маркадаги бензинни ишлаб чиқарди. Бу бензинларда ишлатилаётган автомобиль транспорти ҳар йили ўрта ҳисобда 480 тонна қўрғошин чиқиндисини атроф-муҳитга ташламоқда.

Албатта, бензинга бўлган талаб бундан буён яна ортиб бораверади. Бирдан-бир йўл — бензинга этил қўшишни босқичма-босқич тўхтатишдан иборат.

Бу тадбирларга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, атроф-муҳитни ифлосламаслик учун йўл ҳара-

## Боболар ёди

Яқинда Ҳамза номидаги Қўқон Ўзбек Давлат мусиқали драма театрида Ўзбекистон халқ шоири Иброҳим Раҳимнинг «Алломанинг ёқлиги» (Қуболик аллома) номли асари ижро этилди. Бу саҳна асари буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланди. Асарни режиссёр Эркинжон Муродов саҳналаштирди. Қиёфаларни Аҳмад ал-Фарғоний — (руҳи) Ўзбекистон халқ артисти Рашидхон Содиқов, Аҳмад ибн Муҳаммад (ёшлиги) — артист Анваржон Тожибоев, Она Замин — «Наврўз-97» Республика театрлараро фестивалининг совриндори Анорхон Зияева, Муҳаммад (отаси) — Қирғизистонда хизмат кўрсатган артист Мавлонжон Қурбонов, Момо (онаси) — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хурсаной Умарова, артист Ёқутхон Жўраевалар ижро этди. Оммавий саҳналарда театрнинг бутун ижодий жамоаси қатнашди.

*Бобомурод УБАЙДУЛЛАЕВ*

## Қизилқум цементи — хорижга

***Навоий шаҳридаги «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти қўшма корхонаси цемент, килинкер каби маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йил сайин кўпайтирмоқда. Корхонанинг қуввати тобора ошиб бормоқда. Масалан, бу йил истеъмолчиларга 2 миллион тонна саноат хомашёси етказиб берилади. Маҳсулотни ўз вақтида сотиш мақсадида корхонада «Қизилқумтепалик» савдо уйи ташкил этилди. Унинг вилоятларда, шунингдек, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Озарбойжонда бўлимлари очилган. Шу бўлимлар орқали ҳозирдаёқ 130 минг тонна цемент сотилди. Унинг 50 минг тоннаси истеъмолчига қадоқланган ҳолда юборилди. Цементни 50 килограммлик қопларга қадоқлаб чиқаришда Германиядан келтирилган ускуналар қўл келмоқда. Айни пайтда, Покистон ишбилармонлари билан ҳам ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилаётир.***

***Корхонада ўз ишининг устаси бўлмиш мутахассислар талайгина . Цех бошлиғи Пўлат Машарипов, механик Тофиқ Раҳматов, печ машинисти Абдурашид Норов, оператор Норбой Сиддиқовлар шулар жумласидандир,***

***— Айни пайтда, қўшимча иш ўринлари ташкил этишга жиддий эътибор берилмоқда, — дейди корхона директори Ўктам Рўзиқулов. Ҳозирдаёқ халқ истеъмоли моллари цехи ишлаб турибди. Ҳадемай, Хатирчи туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалигида консерва цехи, Навбаҳор туманидаги Жанбул номли жамоа хўжалигида эса вино заводи ишга тушади. Натижада юзлаб аҳоли доимий иш билан таъминланади. Ҳозир эса, маҳсулот сифатини янада яхшилаш учун кўпгина тадбирлар амалга оширилянпти.***

**Суратларда: 1. Аналитик лаборатория мудири Жамол Ўринов. 2. Цех бошлиғи Пўлат Машарипов оператор ва машинистлар билан**

*Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар*

## Йўлдаги ҳодиса

1998 йил 3 октябрь куни Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 37-автобус паркига қарашли автобус шаҳрихонлик ва асакалик 28 нафар йўловчилар билан Қирғизистон Республикаси, Ўш вилояти, Навқот туманидаги "Аравон-Навқот" йўлининг 17 километрида "Дўнги" довонидан ўтаётганда аянчли йўл ҳодисасига дуч келди. Оқибатда бир гуруҳ йўловчи, жумладан ҳайдовчи ҳам ҳалок бўлди. Ҳар хил оғирликдаги жароҳатлар билан касалхонага ётқизилганлар ҳам бор.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот марказидан олинган хабарда айтилишича, бахтсиз ҳодиса сабабларини аниқлаш, жабрланганларга ва уларнинг яқинларига ёрдам кўрсатиш юзасидан тезкор чора-тадбирлар ташкил этилган.

*(ЎзА)*

## Фуқаролик жамияти:

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

2

кўра мингдан ортиқ мансабдор ва масъул шахс маъмурий ҳамда интизомий жавобгарликка тортилди. Жиноий жавобгарликка тортилганлар ҳам бор. Соғлиқни сақлаш, бозорлар фаолияти, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга доир қонунларга амал қилинишини назорат тартибида текширишларимиз кўлами ҳам ана шундай кенг миқёсда бўлди. Ҳозирги шароит ҳар бир прокуратура ходимидан алоҳида фаоллиқни тақозо этади. Ҳар бир янги қонун изидан мавжуд аҳволни баҳолаб бориш йўлга қўйилсагина қонунларимиз ҳаётда тезда ўз ўрнини топади.

*— «Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш» деган тушунчага Сизнинг муносабатингиз?*

— Конституциявий меъёрлар ва қонунларнинг устуворлиги, улар инсон манфаатларини кўзлаб иш тутишга ва шу доирада ижтимоий ўзаро муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги мамлакатда барқарорликни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг, фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг асосий омилидир.

Биз учун фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг камол топишига монеълик қилмайди, аскинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни, эркинлик ва қонунга бўйсиниш бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдиради ва бир-бирини тақозо этади. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт.

Қонун устуворлигини таъминлаш мақсади миллий мафкурамизнинг таркибий қисмини ташкил этади. Қонунларга амал қилиб яшашни ҳар бир кишининг турмуш тарзига айлантиришга эришганимиздагина фуқаролик жамиятининг эшиклари бизга юз очади. Шунинг учун Президентимиз «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавобларида таъкидлаганларидек, «Биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва махсус билимларга эга, онгли тафаккури ҳар хил «изм»лардан холи, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади». Бу ҳаётий катта хулоса замирида ўз мамлакатининг қонунларини яхши билган ва унга сўзсиз амал қиладиган кишиларгина миллий ва умуминсоний қадриятларнинг чинакам вориси бўла оладилар, деган тамойил ётади.

Ва шу даражага етишмоқ учун биз прокурорлар матбуот ходимлари билан ҳамкорликда ҳали кўп иш қилишимиз керак.

*— Республикамизда маъмурий органлар, жумладан прокуратура томонидан инсон ҳуқуқларини таъминлаш, ҳимоя қилиш қай аҳволда?*

— Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари томонидан фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва виждон эркинлиги, диний эътиқоди ва қарашларини ҳимоя этишга қаратилган қонунлар ижроси устидан мунтазам назорат олиб борилмоқда.

Бир неча йилдан бери Республика прокуратураси қошида ҳуқуқ-тартибот идораларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш ишлаб турибди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази ва инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича Олий Мажлис Вакили (Омбудсман) институтлари мутахассислари мазкур Кенгаш фаолиятида фаол иштирок этиб келишмоқда. Шу йилнинг кўкламида ўтган Кенгашнинг навбатдаги мажлисида тегишли вазирликларнинг масъул раҳбарлари иштирокида аҳолига савдо ва медицина хизмати кўрсатишдаги муаммоларни бартараф этишга доир масала муҳокама қилиниб, зарур тадбирлар белгилаб олинди.

1998 йилнинг инсон манфаатлари ҳимоясини янада юқори босқичга кўтариш мақсадида «Оила йили» деб эълон қилиниши прокуратура органларига ҳам фавқулодда масъулият юклади.

Прокуратура фаолияти мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қонун устуворлигини, барқарорликни таъминлашга сафарбар этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил

3

ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

Конституциянинг 31-моддаси асосида ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги янги таҳриридаги Қонуни қабул қилинди ва амалга киритилди. Қонун талабига кўра виждон эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқи эканлиги белгиланган.

Мазкур қонун талабларининг бузилишига йўл қўйиш ҳолатлари ҳам мавжудлигини қайд этиш лозимки, прокуратура идоралари томонидан ўтказилган текширишлар давомида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан турли мутасадди ташкилотларга 350 та тақдимнома, 905 та амрнома киритилган. 930 та шахс маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилган, 2000 нафар киши қонун талабларини бузиш мумкин эмаслиги тўғрисида огоҳлантирилган, 45 та ноқонуний ҳужжатларга протестлар киритилган, 33 ҳолат бўйича жиноят ишлари кўзғатилган.

Конституцияда ҳар бир фуқаро жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишга, касаба уюшмалари, сиёсий партияларга ва бошқа жамоа бирлашмаларига уюшиш, бевосита ўзи ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган.

Шунингдек, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга, меҳнат қилишга, дам олишга, қонунда назарда тутилган ҳолларда ижтимоий таъминот олишга, малакали тиббий хизматдан фойдаланишга, билим олишга ҳақли.

Жумладан, ижтимоий таъминот сохасида «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги ва «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги қонунлар ижросининг жойларда таъминланиши билан бир вақтда унга тўлиқ амал қилмаслик ва кўзбўямачиликларга йўл қўйиш ҳоллари мавжуд.

Бу масалага Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари мисолида тўхталадиган бўлсак, молия идоралари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарлари бу масалага масъулият билан ёндошмаётганликлари аниқланди. Айрим ҳолларда эса ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан моддий ёрдам пулларининг ноқонуний равишда тўланишига йўл қўйилган.

1997 йил давомида барча ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан кам таъминланган оилаларга белгиланган моддий ёрдам пулларини тўғри тайинланиб тўланиши ўрганиб чиқилганда 127 фуқаролар йиғини томонидан жами 400262 сўм миқдорида моддий ёрдам ноқонуний равишда тўланганлиги аниқланди.

Жиззах шаҳри бўйича 146 нафар оилага 2352212 сўм, Фориш тумани бўйича 20200 сўм, Зафаробод тумани бўйича 24975 сўм ва бошқа туманлар бўйича ҳам анчагина маблағлар нотўғри тўланган. Жиззах шаҳар «Ёшлик» фуқаролар йиғини томонидан моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартибини белгиловчи Иўриқнома талаблари бузилган. Масалан, фуқаро Бекманбетовга унинг даромади оила аъзосига 1733 сўмдан тўғри келсада асоссиз равишда 3 ой давомида 2 минг сўмдан тўланиб келинган. Ушбу ҳолат бўйича етказилган зарар туман прокуратураси аралашуви билан ихтиёрий равишда ундирилган.

Пахтакор туманидаги 7650-09 сонли халқ банкида назоратчи-хазиначи лавозимида ишлаб келган Рустам Қодиров ўз хизмат мансабидан фойдаланиб, туманнинг «Минг чинор» маҳалласида истиқомат қилувчи 37 оилага мўлжалланган 132775 сўмлик мабланнинг тарқатилганлиги тўғрисида сохта ҳужжатларни ёзиб ўзлаштирган. Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг 4-қисми «А» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, мазкур жиноят иши судда кўрилиб, жиноятчи 6 йил муддатга озодликдан махрум қилинган.

Қашқадарё вилоят Касби туманида фаолият кўрсатиб келган «Исмоил» хусусий фирмаси ходими Д. Қораеванинг 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга тўланиши лозим бўлган 4725 сўмни ўзлаштирганлиги аниқланиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов тамомланган ва суд ҳукми билан жазо тайинланган.

4

Прокуратура томонидан инсон ҳуқуқларини таъминлашда бошқа муаммолар ҳам мавжудлиги аниқланган. Жумладан, Конституциянинг 40-моддасида кўрсатилган фуқароларнинг тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш борасида баъзи минтақаларда олиб борилаётган ишлар ҳозирги кунда бизни қониқтирмайди.

Бундай аҳвол асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Жиззах вилоятларида рўй бермоқда. Лекин қўлланилган таъсир чоралари ўз самарасини бермаяпти, оқибатда қонунбузиш ҳоллари нинг тўлиқ бартараф этилишига эришилмаяпти.

Прокуратура идоралари томонидан жорий йилнинг 1-январида соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунларнинг ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар давомида қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш ҳақида 229 та тақдимнома, 199 та амрномалар киритилди. Қонунга зид бўлган қарорларга 137 та протестлар келтирилди. Қонунбузилишига йўл қўйган мансабдор шахслардан 351 таси интизомий, 1037 таси маъмурий ва 84 таси моддий жавобгарликка тортилиб, 508 тиббиёт идораларининг раҳбарлари расмий равишда огоҳлантирилдилар. Прокурорлар томонидан 38 та жиноят иши қўзғатилиб, айбдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилган.

*— Ҳуқуқий маданият деган тушунча ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Лекин бу фақат «жозибали» иборагагина айланиб қолмаяптимикин?*

— Йўқ. Саволингизда ўзингиз ҳам тан олганингиздек, ҳуқуқий маданият тушунчасининг «ҳаётга тобора чуқурроқ сингиб бориши» унинг сиз ташвишланаётганингизтатбиқ этишда прокуратура органлари амалга ошираётган ишлар ҳақида мен юқорида қисман тўхталиб ўтдим. Агар бўларга Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, бошқа турли идоралар, кенг жамоатчилик иштирокида амалга оширилаётган тадбирлар қўшилса, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларнинг кенг миқёси кўз ўнгимизда аниқ намоён бўлади.

Шу ўринда журналист дўстларимизга ҳам озгина эътирозимиз бор. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини яхшилаш суд очерклари ёзиш, тергов материалларини эълон қилишдангина иборат эмас. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир давлат Дастури Олий Мажлиснинг 9-сессиясида қабул қилинган эди. Бир йилдан ошиқ вақт ўтган бўлишига қарамасдан матбуотда бу муҳим ҳужжатнинг вазифалари шарҳлаб берилган бирон-бир тузукроқ мақола ўқиганим йўқ. Дастур асосида қисқа муддатда амалга оширилган ижобий ишлар ҳам матбуот талқинига муҳтож. Ахир, қарс икки қўлдан чиқади-ку!

*— Минг афсуски, баъзи ҳолларда маъмурий орган ходимлари томонидан кишиларнинг чўнтагига қасддан наша солиб қўйиш, қасддан жавобгарликка тортиш ҳоллари учраб турганини сир эмас. Бундай ҳолатлар ҳақида сиз нима дея оласиз?*

— Мавжуд таҳлилларга назар

кати бошқарувини такомиллаштириш, ўтиш жойлари, чорраҳалар, транспорт қатнайдиган йўллар замон талаби даражасида бўлишига эришиш, серқатнов бўлган йўллардаги транспорт қатновини паралел кўчаларга ўтказиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Булардан ташқари, автотранспорт воситалари чиқиндиларининг ифлослик даражаси юқори бўлиши автотранспортнинг техник носозлигига ҳам боғлиқ. Республикада рўйхатга олинган автомобилларнинг 70 фоизи 8 йилдан бери ишлатилиб келинмоқда ва уларга жиддий техник хизмати кўрсатиш талаб этилади. Бироқ, сервис хизмати кўрсатиш тармоқлари автомобилларнинг тегишли техник ҳолатини таъминлай олмаётирлар. Ёнилғи ва ёқилғи-мойлаш материаллари жаҳон стандартлари талабига жавоб бермайди. Бензин сифатининг пастлиги ёнилғи сарфини кўпайтиради, демак, атроф-муҳит яна кўпроқ ифлосланади.

Энди янги дастур ҳақида. Бензинга кўрғошин қўшмаслик бўйича миллий мажбурият дастурининг ишлаб чиқилиши атроф муҳитни муҳофаза қилишда жуда катта амалий қадам, дейиш мумкин. Аммо бу дастур «Ўздавтабиат» томонидан май ойида тайёрланиб тегишли вазирликлар, бошқармалар, ноҳукумат ташкилотлар эътиборига ҳавола этилган бўлса-да, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бош бошқармасидан маълум қилишларича, уларнинг кўпчилиги дастур тўғрисида фикр айтишга шошилмаяптилар. Жиддий масалага бундай юзаки муносабат эса умумий ишимиз — атроф-муҳит муҳофазасини кучайтиришга жиддий тўсиқ бўлиши мумкин. Бироқ табиатнинг тозалигини сақлашга шошилмаган раҳбар ўз оёғига болта ураётганлигини билармикан. Ахир, ифлосланган ҳаво нафақат уларнинг ўзи учун, балки фарзандлари, невараче-варалари соғлиги учун ҳам катта хавф-ку. Уни бартараф қилиш йўлида бошланган хайрли ишда ҳаммамиз баҳоли қудрат кўмакдош бўлишимиз, имконимиз қадар ёрдам беришимиз керак.

*Содиқ МЎМИНОВ*

# оламизми?

# Мана буни жанжал деса бўлади

Францияда чиқадиган "Либерасьон" газетаси АҚШ Президенти Клинтон билан конгрессдаги кўпчилик республикачилар ўртасида ҳақиқий жанжал бошланганлигини хабар қилди. Ушбу жанжал бир неча ойлар давом этиши кутилмоқда. Америкаликларнинг кўпчилиги Моника Левински билан бўлаётган можародан чуқур ташвишга тушиб, конгрессдан президентни тинч қўйишини сўраётган бўлса-да, лекин жанжал нима билан тугаши ҳозирча номаълум. Газетанинг фикрича, Клинтонни импичментдан фақатгина жамоатчилик фикригина қутқара олади. Шу боис Клинтон худди сайловолди компанияси пайтидагидек, мамлакат бўйлаб кезиб, сиёсий ўйинлар билан шуғулланаётган республикачиларни фош этиши зарур. Клинтоннинг аҳволи ҳозирча яхши эмас. Ҳамма нарса 3 ноябрда бўлиб ўтадиган қонунчилик бўйича бўладиган сайловларга боғлиқ. Мабодо демократлар ютқазиб қўйса, унинг ўз партияси Президентга қарши исён кўтариши мумкин. "Вашингтон пост" газетасининг маълумотларига кўра сайловларда сайловчиларнинг 35 фоизи тўпланади. Уларнинг 53 фоизи эса импичмент тарафдорларидир.

## Узоқ узилишдан сўнгги ташриф

Вьетнам Президенти Чан Дик Лионг расмий ташриф билан Тайландга келди.

Маълумотларга қараганда, мазкур ташрифдан кўзланган мақсад икки мамлакат ўртасида дўстона ва ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишдир. Бу эса нафақат икки мамлакат, балки минтақа манфаатларидан ҳам келиб чиқилгани билан изоҳланади.

Маълумки, Тайланд Вьетнамда уруш ҳаракатлари олиб борган Америка қўшинлари жангчилари учун ҳарбий база вазифасини ўтаган эди. Ушандан буён бундай даражадаги ташриф Вьетнам ва Тайланд ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейин биринчи марта бўлиб ўтмоқда.

## Г. Коль дўстлари билан хайрлашди

Христиан Демократик Иттифоқ партиясининг кеча бўлиб ўтган съездида умумхалқ сайловларида мағлубиятга учраган 68 ёшли Гельмут Коль партиядаги дўстлари билан хайрлашди. Унинг партия раҳбарлигидан кетиши Христиан Демократик Иттифоқ партиясидаги "ёш бўрилар" томонидан кескин танқид қилинди. Ўз одатларига содиқ қолган Канцлер эса ҳеч ким билан маслаҳатлашиб ўтирмай, ўзига ўринбосар тайинлади. Ўтган ҳафтада у Вольфганг Шойбле ҳақиқий меросхўр бўлишини айтган эди. Чунки, Шойбле партияда катта обрў қозонган. Бундан ташқари барча немислар орасида машҳур. Бироқ, Саксония ички ишлар вазири Хайнц Эггерт Коль ўзига меросхўр танлаганлигини тасаввур қила олмаслигини айтди.

## Мухбир мамлакатдан чиқариб юборилди

Японияннг йирик газеталаридан бири «Иомиури» мухбири 39 ёшли Юкихиса Накацу Хитойдан чиқарилиб юборилди. ХХР ҳукумати уни давлат аҳамиятига молик ҳужжатларни ноқонуний йўл билан олганликда айблоқда, деб хабар қилади РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

«Иомиури» газетаси вакилининг айтишича, Юкихиса Накацу Тибетда бир қанча вақт бўлиб ёзилажак мақоласи учун керакли ҳужжатларни тўплаган. Бироқ, у Тибетдан қайтган заҳотиёқ Хитой хавфсизлик хизмати томонидан маълум муддат ушланиб, бир неча марта сўроқ қилинган. Шунга қарамай, Хитой хавфсизлик хизмати вакиллари мухбирдан ҳужжатларни қаердан олгани тўғрисидаги саволларига жавоб ололмаган.

Хабарда айтилишича, Хитой ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари Ю. Накацуни 1996 йилда ҳам ХХР қонунларига хилоф равишда давлат сирларини маълум маънода ошкор этувчи мақола ёзганликда айблаган.

*Таҳлил*

# Россия: барқарорлик ягона мақсад

Россияда содир бўлган иқтисодий, молиявий инқироз ва бугун кечаётган сиёсий жараёнлар дунёдаги ҳеч бир мамлакатни бефарқ қолдираётгани йўқ. Жумладан, мамлакатимизнинг МДҲ доирасидаги сиёсий ва иқтисодий шериги бўлган Россиянинг бугунги аҳволи Ўзбекистонда ҳам ташвиш уйғотмоқда. Чунки, ўзбек ва рус халқларини узоқ йиллик маданий, иқтисодий алоқалар чамбарчас боғлаб турибди. Шу боис давлатимиз раҳбари Ислом Каримов яқинда журналистлар билан учрашувда ва Олий Мажлиснинг охирги сессиясида Россияда вужудга келган вазиятни таҳлил қилиб, биз Россияни барқарор ва демократик давлат сифатида ҳар томонлама ривожланишини истаймиз, деган самимий фикр билдириб жумладан шундай деган эдилар: «Россия ўз валютаси ва молиявий тизими муаммоларини тезроқ бартараф этишидан биз манфаатдормиз ва Россия бу ишнинг уддасидан чиқишига ишонамиз».

Россия оммавий ахборот воситаларини кузатар экансиз, мамлакатда вужудга келган мураккаб иқтисодий вазиятдан турли сиёсий партиялар, гуруҳлар ва айрим шахслар ўз манфаатлари ва мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишга уринаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Янги ҳукумат таркиби тўла шаклланмасдан туриб, уни танқид қилувчилар сони кўпайиб бораётганлиги ҳам ташвиш уйғотади. Айниқса коммунистлар ва империяпараст кучлар яна жонланиб қолишди. Бу тоифа сиёсий кучлар Россияни иқтисодий таназзулдан тезроқ қутқариш чора-тадбирлари ва дастурлари ҳақида эмас, ана шу мураккаб вазият соясида ўзларининг сиёсий мақсад ва режаларини амалга ошириш ҳаракатига тушиб қолишди.

Яқинда Россия коммунистлари марказий комитетининг яширин равишда ўтказилган пленумида генерал А. Макашов сўзга чиқиб ҳукуматга қарши «жанговар ҳаракатлар»ни бошлашга маслакдошларини даъват қилди. Коммунистлар раҳнамоси Г. Зюганов шу пайтгача халқ ишончини қозонган ҳукумат тузиш зарур деган ғоя билан яшаб келган бўлса, эндиликда «миллий манфаатлар ҳукумати»ни тузиш фикрини илгари сурмоқда. Куни кеча давлат думасида Е. Примаков номзодини қўллаб-қувватлаган коммунистларни бугунга келиб янги ҳукумат ҳам қониқтирмаяпти. Коммунистларнинг бундай хатти-ҳаракатини Россияда чиқадиган газеталардан бири киноя билан қуйидаги воқеага ўхшатган: коммунал квартирада қўшнингиз азоб чекиб, ўлим билан олишиб ётибди, унга ёрдам бериб ҳаётини сақлаб қолиш қўлингиздан келади-ю, аммо ёрдам беришдан ўзингизни тийиб турасиз, чунки у вафот этса бўшаб қолган хона сизга тегади-да.

Коммунистлар «инқилобий вазият»дан фақат мамлакат ичкарисида эмас, ундан ташқарида ҳам фойдаланиб қолишга бел боғлаган кўринишади. Мамлакат давлат думасининг раҳбари Г. Селезневнинг Украинага ташрифи ва украин депутатларини Россия — Белорусь иттифоқига қўшилишга чорлаши юқоридаги хулосага келишимизга асос беради. Аммо унинг бу даъватини Украина миллий мустақиллик йўлини ҳимоя қилаётган ватанпарвар депутатлар қўллаб-қувватламадилар ва норозилик белгиси сифатида парламент мажлислар залини тарк этишди.

Россиянинг «КоммерсантЪ — DAILY» газетаси киноя билан «Юрий Лужков президентлик кампаниясини шунчалик ҳовлиқиб бошладики, гўё сайловларга бор-йўғи ярим йил қолгандек», деб ёзди. Газетанинг таъкидлашича, Москва мэри ва унинг тарафдорлари ўзларининг сиёсий даъватлари ва хатти-ҳаракатлари билан мамлакатда барқарор вазият вужудга келишига халақит бермоқдалар. Лужковнинг энг яқин сафдоши Андрей Николаев Борис Ельцин муддатидан аввал истеъфога чиқиши керак деб баёнот берди. Мазкур газетанинг ёзишича Лужков сўлмарказчилар блокидан ўз номзодини президентлик лавозимига қўйишга рози бўлган. Бу блокка социалистик йўналишидаги партиялар ва Россия Федерацияси коммунистик партияси ҳамда унга иттифоқчи кучлар киради. У Аграр партия раҳбари Михаил Лапшин билан ҳам учрашиб биргаликда ҳаракат қилишга келишиб олган. Мазкур учрашувдан сўнг Лапшин парламент ва президентлик сайловларида Лужков сўлмарказчилар блокининг раҳнамоси бўлади, деб баёнот берди. Газета президентлик сайловларига ҳали икки йил борлигини эслатиб, Лужковнинг бу қадар шошаётганлигининг боиси нимада деган саволга қуйидагича жавоб қайтарган: Лужковнинг энг яқин сафдоши ва иттифоқчиси давлат думаси депутати Андрей Николаев президентлик сайловлари Конституцияда белгиланган муддатдан олдинроқ ўтиши ғоясини илгари сурган ва матбуот конференцияси ўтказиб, Борис Ельцинни 1999 йил президентлик сайловини белгилашга давъат қилган. Унинг фикрича, мамлакат оғир синовларга яна икки йил дош бера олмайди. Газета бу фикрлар барчаси Лужковга тегишли эканлигини, аммо унинг ўзи президентликни қабул қилишга «юқори даражада тайёр эканлигини» айтишга уялиб турганлигини ёзади.

Мамлакат регионларининг кўпчилик раҳбарлари эса муддатидан олдин сайлов ўтказиш ёки шунга давъат қилиш, қонунга ва Конституцияга зид эканлигини уқтириб, бу барқарорликка путур етказади холос деб ҳисоблашмоқда. Хусусан, Саратов вилояти губернатори Дмитрий Аяцков муддатидан аввал сайловлар ўтишига қарши эканлигини, ҳозирги шароитда кўпроқ иқтисодий муаммолар билан шуғулланиш зарурлигини таъкидлади. Бундай соғлом фикрга эга губернаторлар мамлакатда кўпчиликни ташкил этади.

Ана шундай бир-бирига қарама-қарши воқеалар атрофида янги ҳукумат мамлакатни иқтисодий инқироздан қутқаришга ҳаракат қилмоқда. Москвадаги хорижий давлатлар йирик компанияларининг вакилларининг кўпчилиги иқтисодий ислоҳотлар давом этишига умид билдириб, Россия иқтисодига сармоя киритишга тайёр эканлигини билдиришмоқда. Кўпчилик кузатувчиларнинг фикрига қараганда, мамлакатда оғир иқтисодий аҳвол вужудга келган, аммо уни тез орада ўнглашнинг иложи бор. Собиқ Бош вазир Виктор Черномирдин Марказий банкнинг янги раҳбари Виктор Геращенко ниҳоятда оқилона қарорлар қабул қилаётганини эътироф этди. Примаков ҳукумати кун сайин хорижий инвесторлар ишончини қозонаётгани маълум бўлмоқда.

Оддий россиялик фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига йўллаётган мактублари билан танишар экансиз, халқ сиёсий ўйинлардан чарчаганлиги яққол кўриниб турибди. Оддий халқни коммунистларнинг ғоялари қизиқтирмай қўйганлигига анча бўлган. Мамлакатда сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, эртанги кунга ишонч — оддий одамларнинг ягона мақсадидир. Россия Президенти ва ҳукумати ҳам айни пайтда бутун эътиборини мамлакатни тезроқ инқирозлар исканжасидан олиб чиқиш, ижтимоий таранглиқни юмшатиш, ўтказилаётган ислоҳотларни ривожлантиришга бор куч ва имкониятларни сафарбар этмоқдалар.

*Жалолиддин САФОЕВ*

Болгария. Халқ театри

## Одамларни ўғирлаш давом этмоқда

Чеченистондан хабар қилишларига кўра, бу ерда Буюк Британиялик тўрт фуқаро ўғирлаб кетилган. Чеченистонга уяли алоқани тиклаш учун келган британиялик мутахассислар тўғридан-тўғри ўзлари яшаб турган уйда қуролли кишилар томонидан ҳибсга олинган. Албатта, уларнинг қўриқчилари ва ҳужум қилаётганлар ўртасида отишмалар бўлган. Хабар қилишларича, қўриқчилардан бир киши ва ўғирлик қилганлардан бир нечтаси жароҳатланган. Чеченистон ҳукмрон доиралари бу иш юзасидан тергов ишлари олиб боришди. Кейинги йиллар ичида Чеченистонда ўнлаб россиялик ва хорижий фуқаролар ўғирлаб кетилган. Уларнинг кўплари ҳозир ҳам ушлаб турилибди. Одатдагидек маҳаллий безорилар одамларни ўғирлаб кетиб маълум пул эвазига уларни қайтариб беришмоқда. Ўтган ойда Британия хайрия ташкилотларининг икки ходими 18 ойлик асирликдан сўнг озодликка чиқарилган эди. Куни кеча эса Россия ваколатхонасининг ходими Акмал Саидовнинг жасади Чеченистон билан Ингушетия чегарасидан топилди. Англиялик Камилла Карр ҳам ўз дўсти Жон Жеймс билан биргаликда бундан икки ҳафта илгари Чеченистондаги 14 ойлик асирликдан сўнг озод этилди. Унинг айтишига кўра, қора ниқобдаги чечен террорчиси уни ҳамиша зўрлаб турган. Унинг дўсти Жон Жеймсга ҳам турли азоблар беришган. Чеченистонда одамларни гаровга ушлаб туриш ҳақиқий бизнесга айланиб қолган. Йилига ўртача 250 киши гаровга ушлаб турилганди. Масалан, Камилла Карр билан Жон Жеймсни озод этиш учун террорчилар икки миллион доллар сўрашган. Яқингинада асирга олинган тўрт англиялик фуқаро учун чечен ишбилармонлари қанча пул сўрашлари ҳозирча номаълум.

## Уч томонлама саммитга ҳозирлик

АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт бугун кутилганидек, Яқин Шарққа келади. Ливан радиосининг хабарига кўра, Мадлен Олбрайтни унинг ёрдамчиси Мартин Индик ва минтақадаги тинчлик жараёнини йўналтирувчи Деннис Росс кузатиб борадилар. Ушбу обрўли Америка делегациясининг вазифаси октябрь ойининг ўрталарида Вашингтонда ўтказиладиган АҚШ Президенти Билл Клинтон, Фаластин раҳбари Ёсир Арафот ва Исроил Бош вазири Беньямин Нетаньяху ўртасидаги уч томонлама саммитга тайёргарлик кўришдир. Мадлен Олбрайт ўзининг Яқин Шарқ бўйлаб сафарини Исроилдан бошлайди.

# Мақсад ва масъулият

5

соладиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида 5 та ҳолатда ички ишлар идоралари ходимларининг ўзлари томонидан гиёҳвандлик моддаларини ғайриқонуний равишда ўтказиш, сақлаш каби жиноий ҳаракатлар содир этилганлиги қайд этилган.

Шу жумладан, 1 та ҳолатда, у ҳам бўлса Сирдарё вилояти Боёвут тумани ИИБ қўриқлаш бўлинмаси милиционери Суқрот Раҳмонқулов ҳамда шу вилоят божхона хизмати бўлим бошлиғи Шерали Набиевлар томонидан фуқаро Дилдора Тўйчиева орқали фуқаро Ахназаровнинг бошқарувида бўлган «Москвич — 412» русумли, давлат белгиси «Д 93 11 СИ» бўлган автомашинасига кир ювиш порошоги қутисида бўлган гиёҳванд моддасининг ташлаб қўйилганлиги юзасидан жиноий ҳаракат қайд этилган.

Мазкур ҳолат юзасидан Суқрот Раҳмонқулов ҳамда Шерали Набиевларни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми, 206-моддаси 1-қисми билан айблаш ҳақидаги жиноят иши вилоят судида кўрилиб, суднинг шу йил 2 июль куни ҳукми билан улар турли муддатларга озодликдан маҳрум этилганлар.

Лекин, менимча, ушбу якка ҳолатда қайд этилган жиноий ҳаракат билан ички ишлар ёки божхона тизими ходимлари томонидан фуқароларга ғайриқонуний равишда гиёҳвандлик моддаларини ташлаб қўйиш, қасддан жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатлари одат тусига кирган, деб баҳолаб бўлмайди.

Бугунги кунда бутун дунё ҳамжамияти олдида турган, инсониятга энг катта хавф туғдираётган бу иллатнинг олдини олиш ва унга қарши олиб борилаётган кураш ҳар қачонгидан кўра кучайтирилган.

Республикамиз ҳуқуқини ҳимоя қилувчи идоралари ҳам гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларига қарши қатъият билан кураш олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Қишлоқ хўжалиги вазирликлари, божхона, Миллий хавфсизлик хизматининг ходимлари томонидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси вакилларини жалб қилган ҳолда, республиканинг тоғли ерларига, адирларига, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларига, томорқаларга таркибида гиёҳванд воситалари, психотроп моддаларни бўлган экинлар экилган жойларни аниқлаш мақсадида, мавсумий «Қора дори» ва бошқа текширув-кидирув тадбирлари мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Натижада, республика бўйича 1997 йилнинг 1-ярмида (1116 ҳолатда) 39686 квадрат метр ерга экилган кўкнор, (146 ҳолатда) 2252 квадрат метр ерга экилган канопли, (58 ҳолатда) 770 квадрат метр ерга экилган бошқа экинлар, (2147 ҳолатда) 190245 квадрат метр ердаги ёввоий канопли экинлар аниқланиб йўқ қилинган бўлса, 1998 йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида (1025 ҳолатда) 20504 квадрат метр ерга экилган кўкнор, (182 ҳолатда) 1848 квадрат метр ерга экилган канопли, (1709 ҳолатда) 256653 квадрат метр ердаги ёввойи ҳолда ўсаётган канопли ўсимликлар аниқланиб йўқ қилинган.

— *Прокуратура қонун нуқтаи назаридан ҳар қайси соҳани текширишга ва уларнинг ишига аралашишга ҳақли. Шундай экан, прокуратуранинг ўзини ким назоратга олади?*

— Саволингизга бироз аниқлик киритсак. Тўғри, Конституция ва «Прокуратура тўғрисида»ги қонун бўйича прокуратура давлатимиз қонунларининг мамлакатимиз ҳудудида бир хилда аниқ ижро этилишини назорат қилади. Лекин, бу прокуратура ходими истаган пайтда фуқароларнинг ёки ташкилотларнинг ишларига аралашаверади, дегани эмас. Прокурор назорати мамлакатдаги умумий аҳволдан, шароит тақозосидан келиб чиққан ҳолда маълум режа асосида қонунга қатъий амал қилинган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 9-банди асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг

6

ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва лавозимдан озод қилинади, кейинчалик бу масалалар Олий Мажлиснинг тасдиғига киритилади.

Конституция ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига кўра прокуратура идораларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси назоратида бўлади.

— *Бўритош ака, табиий ҳолки, ҳамма соҳада бўлгани каби прокуратура соҳасида ҳам ўз вазифасини суиистъмол қилаётганлар учраб турибди. Уларга керак. Айтингчи, прокурор қандай сифат ва фазилатга эга бўлиши лозим?*

— Кадрларни танлаш, тарбиялаш ва уларни жой-жойига тўғри қўйиш бугунги куннинг энг муҳим, долзарб масаласи эканлиги Президентимиз Ислом Каримовнинг 1998 йил 3 июнь куни халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида алоҳида таъкидланди.

Шу талабдан келиб чиқиб, Республика прокуратураси томонидан прокуратура идораларини малакали, касбига садоқатли, ҳалол, ёш, иқтидорли кадрлар билан тўлдириш борасида қатор тадбирлар ишлаб чиқилиб, унинг бажарилиши қатъийлик билан амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида барча прокуратура идоралари тизимида кадрлар танлаш, тайинлаш, тарбиялаш ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган ишларда ижобий ўзгаришлар сезилмоқда.

Ходимларни аттестациядан ўтказиш мақсадида тузилган махсус инспекциялар ҳамда қонунчилик муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш масаласидаги фаолиятини тубдан яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Махсус инспекциялар ҳақидаги низом бошқатдан кўриб чиқилиб, янгиланди, ходимларнинг шахсий хислат ва ишчанлик қобилиятларини ҳар томонлама, чуқур ўрганиб, эгаллаб турган лавозимларига лойиқ ёки нолойиқлигига холисона баҳо бериш, уларнинг сафини касбига номуносиб шахслардан тозалаш инспекцияларнинг бош вазифаси қилиб белгиланди. 1998 йилнинг ўтган 9 ойида махсус инспекциялар томонидан 447 нафар прокурор-тергов ходимларининг аттестация лойиҳалари муҳокама қилиниб, уларнинг 38 нафари эгаллаб турган лавозимига етарли даражада лойиқ эмас деб топилиб, уларга қўшимча синов муддати белгиланди. 9 нафар ходимларга нисбатан эса эгаллаб турган лавозимга нолойиқ деган хулоса қилиниб, улар эгаллаб турган лавозимдан бўшатилди. Жорий йилнинг ўтган даврида 190 дан ортиқ прокурор-тергов ходимлар малакасини ошириш учун ўқув

7

Марказида ўқитилиб, натижаси бўйича қабул қилинган синовларда улардан 19 нафарининг билими етарли даражада эмас деб баҳоланиб, бу ходимларнинг фаолияти алоҳида назоратга олинди.

Хуллас, кадрларни танлаш, тайинлаш ва уларнинг малакасини ошириб боришнинг бугунги кунда долзарблиги ва муҳимлиги инобатга олиниб, бу ишнинг келгусида янада самарали бўлиши юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланди.

— *Мамлакатимиз прокуратура органлари бошқа давлатлар прокуратуралари билан ҳамкорлик қилишда кўпроқ уларнинг қайси тажрибаларига эътибор бермоқда? Нима учун?*

— Давлатимиз юритаётган очиқ сиёсат тақозоси ўлароқ прокуратура идоралари Ҳамдўстлик мамлакатлари ва бир қатор хорижий давлатларнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари, жумладан, прокуратуралари билан ҳар томонлама алоқа қилиб келмоқда. Бу ҳамкорлик давлатларимиз ўртасидаги шартномалар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Масалан, «Фуқаролик, оиласий ва жиноят ишларида ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар» тўғрисидаги Минск Конвенцияси (1993 йил 22 январь) доирасида Ҳамдўстликдаги бир қатор давлатларнинг прокуратуралари, жумладан, Озарбайжон, Қозоғистон, Белоруссия, Латвия, Литва, Молдова, Туркманистон ва Тожикистон республикаларининг прокуратуралари билан шартнома ва ҳамкорлик битимларига эгамиз. Мазкур битим ва шартномаларга кўра, жиноятчиликка қарши курашда ўзаро ёрдам кўрсатиш, наркобизнеса қарши биргаликда кураш олиб бориш соҳасида самарали ҳамкорлик ўрнатилган. Бундан ташқари, Туркия ва Чехия давлатларининг прокуратуралари билан ҳам ҳамкорлик битимлари мавжуд. Германия Федератив Республикаси, Бельгия, Америка Қўшма Штатлари каби бир қатор ривожланган давлатларнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари билан алоқа ўрнатганмиз.

Маълумки, Ўзбекистонимиз ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлидан бормоқда. Шунга мо-

нанд равишда прокуратурамиз фаолиятидаги ўзига хослик бошқа давлатлар прокуратураларининг тажрибаларидан тўғридан-тўғри нусха кўчиришга монелик қилади. Албатта яхши тажрибани ўрганиш, уни қўллаб жиноятчиликни бартараф этишда яхши самараларга эришишнинг савобини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Чунончи, бизнинг суронли дунёмизда йилига битта ҳам қотиллик жинояти юз бермайдиган давлатлар бор. Ўзбекистоннинг буюк келажагини ана шундай давлатлар сафида кўраман.

— *Ҳуқуқий-демократик жамият асосларини қарор топтириш мустақиллигимизнинг асосий белгиларидан экан, бу жараёнда ҳуқуқ-тартибот, жумладан, прокуратура идоралари олдида турган вазифалар нималардан иборат?*

— Мен юқорида саволингизга қисман жавоб бердим. Лекин бизнинг бу йўналишдаги асосий вазифаларимизни Президентимиз «Тафаккур» журнали Бош муҳаррирининг саволларига жавобларида шундай ифодалаб берганлар: «Биз фуқаролик жамияти қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу соҳада дастлаб, аммо муҳим қадамлар қўйилди. Ишончим комилки, вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади. Мана шу йўл, мана шу назарий масаланинг моҳиятини атрофлича ёритиш, уни ҳаётимизда, амалиётимизда ҳал қилувчи сиёсатга айлантириш нафақат бугунги, балки эртанги кунимизнинг ҳам энг муҳим ва долзарб вазифасидир».

Республика прокуратураси ва жойлардаги идораларимизнинг бутун фаолияти, фуқароларимизнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликни бартараф этиш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашга қаратилган барча ишларимиз пировард натижада ана шу улуғ мақсадга хизмат қилади.

*Суҳбатни «Ўзбекистон овози» махсус мухбири Мурод АЛИМ олиб борди*

*Vatanni sevmak iymondandur!*

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 8 oktyabr, payshanba № 120 (23.357).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan


## Тўпурар қизлар

Чирчиқ шаҳрида хотин-қизлар футбол жамоалари ўртасида Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди. Ғолиблик учун Тошкентнинг «Дилноза», Андижоннинг «Андижанка», Навоийнинг «Гули», Фарғонанинг «Медея-Гўзал» ва Қорақалпоғистоннинг «Қирққиз» жамоалари иштирок этди. «Дилноза» футболчи қизлари бу сафар учрашувларни уюшқоқлик билан ўтказиб, муддатидан олдин ғолибликни деярли нақд қилиб қўйишди. Улар сўнгги ўйинни «Гули» жамоаси билан ўтказдилар. «Дилноза»нинг «Қирққиз» жамоасини 12:0, «Андижанка»ни 1:0 ҳисобида енгиши мухлисларда яхши таассурот қолдирди.

## Олимпиадани кўзлаб

Маълумки, 2000 йилда Сидней шаҳрида навбатдаги олимпиада ўйинлари бўлади. Ана шу спорт анжуманида қатнашишни орзу қилаётган футбол жамоалари ўртасида қуръа ташланди. Унга кўра 28 жамоа 9 гуруҳга бўлинди. Ўзбекистон терма жамоаси худди минтақавий баҳсда бўлгани каби бешинчи гуруҳга киритилган Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон футболчилари билан саралаш учрашувларини ўтказадиган бўлди.

**Спорт**

## Икки даъвогар

Футболимизнинг асосий ўринбосарлари тарбияланадиган биринчи лига жамоалари ўртасида ўтказилаётган мамлакат миллий чемпионатининг якунланишига бор-йўғи 5 тур учрашувлари қолди. Жамоалар эса ҳар бир турда мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишмоқда. Бу йил «Янгиер» билан «Самарқанд» футболчилари олий лигага чиқиш учун асосий даъвогарлардан бўлиб туришибди. Навбатдаги турда янгиерликлар сафарда «Шўртан» жамоасидан 3:2 ҳисобида устун келиб, жами очколарини 86 тага етказдилар ва карвонбошилик мавқеларини янада мустаҳкамлашди. Иккинчи ўринда бораётган самарқандликлар ҳисобида 76 очко бўлиб, сафарда «Машъал» жамоасидан енгилишган (1:2) бўлса-да, мавқеларига путур етказмадилар. 68 та очко билан учинчи ўринда бораётган «Кимёгар» 66 очко билан бешинчи бўлиб турган «Шаҳрихон» жамоаси дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритди.

## Наутаками ёхуд шаҳри Кеш?

Сирти ноғорага ўхшаш тепалик устида ўтирган бола қоғозга ҳадеб чизиқ тортгани тортган... Қуйирокда моллари ўтлаб юрибди. Қазилган ҳандаклар бағридан ўтмиш мўралайди. Бола суратни «Топилган шаҳар» дея номлабди. Ажаб, излаганини топа оларми-кан?..

Тарих — боболарнинг қадам излари... Не-не авлодлар бу изларни излаган. Бу — Бедилнинг ота юрти. Ўз улусига озодлик олиб келган, буюк давлат туғини кўтарган улуғ зотнинг киндик қони томган муқаддас маскан. Мир Алишер Навоий ҳазратлари тилга олган сўлим маъво:

**Дедилар, кишвари дурур дилкаш,**
**Оти ҳам Шаҳрисабз, ҳам Каш.**
**Хизир монанд сабзадин ранги,**
**Сабзаси суйи кўзгуси ранги.**

Эвоҳ, не-не авлодлар бу тенгсиз сабзадан — юрт фахридан бенасиб ўтдилар. Ўтмишга отилган тош нафис кўзгудек ғуруримизни чил-чил этди, нодир обидалар хароб қилинди. Узоққа бормайлик. Ана шу яшил шаҳардаги меъморлик гултожи ҳисобланган Кўкгумбаз жомъе масжиди ўттизинчи йилларда қамоқхонага айлантирилган, маҳкумлар фарёди ғиштин деворларга сингиб кетган эди...

— Истиқлол бизга шонли тарихимиз, миллий қадриятларимизни қайтариб берди, — дейди Шаҳрисабз тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати Шуҳрат Алла-назаров. — Улуғ мунажжим Улуғбек юбилейи кунларида сиз тилга олган нодир обида Кўкгумбаз жомъе масжиди, Ғумбази Сайидон ва бошқа ёдгорликлар тўлиқ таъмирланди. Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг қутлуғ 660 йиллик тўйи муносабати билан ўтган ярим йилда 150 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрладилар. Туман ғаллакорлари эса 18,7 минг тонна дон етказиб берди. Бошқа соҳалар ҳам яхши ривож топмоқда. «Шаҳриинтернейшнл», «Мевалар камалаги» қўшма корхоналари маҳсулоти ўз харидорларини топган. Маориф, маданият соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Том маънода шаҳарлар — маданият бешикларидир. Шаҳарлар тарихи — инсоният маданияти тарихи. Кечмиши, бугунги салоҳияти билан бирга. «Қашқадарё бой тарихий маданиятга эга, — деган эдилар Президентимиз халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқларида. — Қадимий Кеш, Насаф, Косон, Ғузор ва бошқа шаҳарлар, бу воҳа халқи ноёб маданиятидан гувоҳлик беради. Бу қадимий шаҳарларимизнинг қадимий шуҳрати ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда».

— Ўзбекистон Фанлар академиясининг Археология институти, Тошкент Давлат университети археология кафедраси олимларининг тадқиқотлари кейинги йилларда эзгу ишлар кенг кўламда давом эттирилиб, қарийб 1 миллиард сўмлик ободончилик ишлари амалга ошди. Шаҳарга «Амир Темур» ордени берилиши, соҳибқирон бобомизга ҳайкал ўрнатилишига бағишлаб ўтказилган тантаналарда Президентимиз қатнашдилар. Халқимиз шу куни улуғ тарихий воқеанинг шоҳиди бўлди.

Фахр билан айта оламизки, Шаҳрисабз бугун ўлмас осори атиқалари билангина эмас, беқиёс табиати, меҳнатда мўъжиза яратаётган одамлари билан ҳам жаҳон назарига тушган. Юртимизда кечаётган ислоҳотлар натижасида мулк ўз эгасини топди. Айни пайтда шаҳарда ўнлаб саноат корхоналари бор бўлиб, улар биргина янада изчил давом этмоқда, — дея эътироф этади Шаҳрисабзданги Амир Темур номидаги моддий маданият тарихи музейи бошлиғи Наби Хушвақтов. — Юнон тарихшуноси Арриан асарида тилга олинган, «янги жой» маъносини берган Наутака (Навтака) шаҳрининг харобалари Сангиртепа ва Узунқир тепаликларини қазиш даврида топилди. Узунқир аҳолиси VI-VII асрларда Шуробсой бўйидан Оқсувдарё ерларига кўчган ва вилоят маркази Кеш деб аталган. Бу ўтган йили «Шарқ» нашриётида чоп этилган «Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар» китобида баён этиб берилди. Ўтган йили ўтказилган тарихчи олимларнинг халқаро анжуманида Шаҳрисабзнинг ёши 2700 йил эканлиги исботланди...

Музей раҳбари қўлимизга берган қадимий ҳайкалчаларга тикиламиз. Минг йилларнинг шоҳиди булар... Англиянинг қўшма Европа «Тарих» лойиҳаси Экстер университети, Франциянинг Ренн-II университети, Даниянинг Фридрихсберг семинарияси ва Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети тарих факультети олимлари ҳамкорлигида ўтган йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган халқаро анжуман қатнашчилари ана шу топилмалар асосида илмий хулоса чиқарганлар. Қадимий Наутака шаҳри ўрнини аниқлашга ёрдам берган Узунқир, Сангиртепа ёдгорликлари ҳозир Китоб тумани ҳудудида. Тарихан Китоб ва Шаҳрисабз — бир олманинг икки палласи. Гап фақат Китвар, Наутака, Кеш ва Шаҳрисабз деб аталган шаҳар хусусидагина эмас. Ёш авлод келажакнинг улкан юмушларига бел боғлар экан, қалбига истиқлол мафкурасини жо этсин, халқ, миллат тарихини ўрганиб, тафаккурини бойитсин. Юртбошимиз айтганларидек, «Мафкура ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприкдир».

Биз яна Узунқир ёдгорликлари қаршисида сурат чизаётган бола ҳузурига хаёлан қайтиб, шу сўзларни айтгимиз келди:

— Чиз укажон. Кенгликларни, бепоён яйловларни чиз. Майли, суратингни «Топилган шаҳар», деб атай қол. Ҳали биз кўплаб қадриятларимизни топишимиз керак. Улғайиб, албатта, мусаввир бўласан. Мунис онажонимиз — Ўзбекистонимизнинг суратини ўз услубинг, қалбинг амрига мос рангларда чизиб берасан...

*Юнус УЗОҚОВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*


Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Юсуф БЕКМУРОДОВ, навбатчи Соҳиб САЛИМОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида. А—2 форматида. 20.122 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
Г — 0397
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.00
123456.
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА


## «Оила — 98»

## «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

***Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб бормоқдамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, албатта бизга ёзиб юборинг.***

Фамилияси: *Аҳмедова*
Исми: *Онилхон*
Отасининг исми: 
Қачон, қаерда туғилган: *1894 йил Бухоро вил. Қоракўл тум. Косиблар қишлоғи*
Ҳозир қаерда яшайди: *Бухоро вил. Қоракўл тум. Меҳнатобод ж/х*
Узоқ умр кўришнинг сири (қисқа баён этилади): *Оиладаш тинчлик ва ғ озодалик, меҳнатдан қониқиш*
Юз ёшнинг хулосаси (қисқа баён этилади): *Юрт обод, тинчлигимиз барқарор бўлсин.*

*Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнгида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.*

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

## ТЎРТ ОЁҚЛИ ЖЎЖА

Ғузор тумани Янгикент қишлоғидаги 37-ўрта мактабнинг IV синф ўқувчиси Феруз Аҳмедов паррандаларни севади. Яқинда у товуқ тухумидан 16 та жўжа очирди. Хўш, нима бўлибди дерсиз? Гап шундаки, жўжаларнинг иккитаси тўрт оёқли эди. Ҳозирда Феруз ўша иккала жўжани жуда авайлаб парвариш қиляпти. Тўрт оёқли товуқни бир тасаввур қилиб кўринг-а, табиатнинг ажиб мўъжизасига қойил қоласиз.

**Илҳом КАРОМОВ**

«Бахт савдо уйи» масъулияти чекланган жамиятнинг думалоқ муҳри ва штампи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

## Бисоти мўл отахон

*Хўқонди латифда тўқсоннинг эшигини тўқиллатиб турган ажойиб бир отахон яшайди. Ўзбеклардан чиққан биринчи радио усталаридан бўлмиш, хешлари ҳазиллашиб «Радиомахсим» деғувчи табаррук кекса бошидан кўп саргузаштларни кечирган. Бу ёғи Эрону Арманистон, Гуржистондан тортиб, Россия, Украиналарда хизмат қилган ва ҳатто бир муддат Москвадаги Ломоносов номли дорилфунунда радио соҳасида ишлаган.*

*Ҳар бир инсоннинг ўзига хос қизиқиши бўлганидек, Мақсуд ота Аҳмедов ҳам ўсмирлигидан ноёб куй ва қўшиқлар пластинкалари, оҳангграбо тасмалар йиғиш шайдоси. У 30-йиллардан бошлаб граммафон ва патефон пластинкаларини тўплаган. Ҳозирда Мақсуд отанинг филофоник тўплами 2 минга яқин нодир пластинкалардан иборат. Улар орасида 1905 йилда чиқарилган ўта нодир пластинкалар ҳам бор. Бу пластинкаларда Ҳамроқул Қори, Маҳкамбой Ҳофиз, Эрка Қори, Мулла Тўйчи, Бекимбой ака, Қори Ёқубов, Лутфихон Саримсоқова, Бобораҳим Мирзаев каби кўплаб машҳур ҳофиз, хонандаларнинг беқиёс овозлари муҳрланган. Бундан ташқари у киши кўплаб ўзбек ва тожик қўшиқчиларининг турли йилларда ижро этган қўшиқлари, Фарғона — Тошкент услубидаги катта ашулаларни магнит тасмасига ёзиб тўплайди. Айни пайтда отахоннинг олтин фондида 500 дан ортиқ 500 метрли, 900 та 350 метрли шундай нодир оҳанглар муҳрланган магнит тасмалари, 80 та 90 дақиқали магнитафон ленталари мавжуд. Уларда қўшиқ санъати, умуман, маънавиятимизга таллуқли минглаб асарлар ёзилган. Отахоннинг тўплами халқимиз маданиятининг улкан бойлиги. Эҳтимол, мусиқашунос олимлар ҳам бу хазинага қизиқиб қолишар.*

*Алишер ИБОДИНОВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*

**Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармасининг «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти билан ҳамкорликда ўтказган «XXI аср. Ўзбекистон истиқболи» (Ўзбекистоннинг XXI аср бошидаги истиқболи замонамиз Улуғбеклари тасаввурида») Республика кўрик-танлови якунлари тўғрисида**

### ҲАЙЪАТ ҚАРОРИ

**Биринчи ўрин** — *Тошкент банк коллежининг 2-курс талабаси Мўътабар Эгамовага «XXI аср бошларида Ўзбекистон истиқболи» мавзусидаги ижодий иншоси учун. (Урганч шаҳридан).*

**Иккинчи ўрин** — *СамДУ журналистика факультети талабаси Дилшод Йўлдошевга шу мавзудаги ижодий иншоси учун.*

**Учинчи ўрин** — *Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги ўзбек-турк ўғил болалар лицейи ўқувчиси Сардорбек Нуриддиновга шу мавзуни ёритишга бағишланган иншоси учун.*

**Рағбатлантирувчи мукофотлар:**

*1. Сирдарё вилояти Ховос туманидаги Зебунисо номли 39-таянч мактаб муаллимаси Турсуной Душаневага шу мавзудаги ижодий иншоси учун.*

*2. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги Мичурин номли 34-мактабнинг физика ўқитувчиси Муяссар Ҳусановага шу мавзудаги ижодий иншоси учун беришга қарор қилинди.*

*Ушбу кўрик-танловда жами 9 нафар муаллиф қатнашди.*

**Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармасининг олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти билан ҳамкорликда ўтказилган «Касбим-фахрим» «Истеъдоднинг касб танлашдаги ўйлари» Республика кўрик-танлови якунлари тўғрисида**

### ҲАЙЪАТ ҚАРОРИ

**Биринчи ўрин** — *Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 1-мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Феруза Эргашевага «Касбим-фахрим» мавзусидаги ижодий иншоси учун.*

**Иккинчи ўрин** — *Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 54-мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Дилфуза Йўлдошевага «Касбим-фахрим» мавзусидаги ижодий иншоси учун.*

**Учинчи ўрин** (2 та) — *Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги Нурмамат Мирзаев номли жамоа хўжалиги Тўхтамиш Муқимов маҳалласида истиқомат қилувчи Мунаввар Муҳаммадиевага «Касбим-фахрим» мавзусидаги ижодий иншоси учун.*

*— Хоразм вилояти Ўзбекистон ХДП Хива туман кенгашининг статисти Зулхумор Сайдаматовага «Касбим-фахрим» мавзусидаги ижодий иншоси учун.*

**Рағбатлантирувчи мукофотлар:**

*1. Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги Бобур номли 2-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Ўктам Пирлиевга «Касбим-фахрим» мавзусидаги ижодий иншоси учун.*

*2. Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги Лутфий номли мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Махлиё Алимардоновага ижодий иншоси учун.*

*3. Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги Улуғбек номли мактабнинг 10-синф ўқувчиси Зироатхон Умрзоқовага «Касбим-фахрим» мавзусидаги ижодий иншоси учун.*

*4. Навоий вилояти Нурота шаҳридаги 18-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Дилшода Раҳимовага «Касбим-фахрим» мавзусидаги ижодий иншоси учун беришга қарор қилинди.*

## Аҳоли манфаати йўлидаги ҳамкорлик

Мамлакатимизда аҳолига чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда замонавий сервис хизмати кўрсатиш тармоғини кунданкунга кенгайиб, ўз афзалликларини кўрсатмоқда. Тиббий муассасалар тармоғини кенгайтириш, даволаш усулларини такомиллаштириш, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида сифат ўзгаришлари юз бермоқда.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида Тошкент трактор ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ёнма-ён бир жамоа жойлашган. У «Стомасервис» деб номланади.

Ушбу шифо маскани, айни пайтда тиш оғриғи билан хасталанган беморларнинг оғирини енгил қилмоқда. Ундан ташқари, мазкур жамоада жарроҳлик, тиш қўйиш, туғма нуқсонли тишларни тўғирлаш бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Хуллас, жамоа аҳлининг эл саломатлиги йўлидаги қадами қутлуғ ва залворли.

«Стомасервис» хусусий стоматология шифохонасининг бошқа даво масканларидан яна бир фарқи шундан иборатки, оғиз ва оғиз бўшлиғидаги касалликларни, милк ҳамда оғиз юмшоқ тўқималарини даволаши билан ҳам бугунги кунда кўпчилик назарига тушган.

Ҳа, айтганча яна бир янгилик: яқинда «Стомасервис» шифохонаси Германиянинг энг етакчи компанияларидан бири «Дина Интернейшнл» билан тузилган шартномага мувофиқ 230 минг АҚШ доллари миқдоридаги тиббиётнинг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этган замонавий технологик қурилмаларни, асбоб-ускуналарни харид қилди. Мазкур қурилмалар нафақат мамлакатимизда, қолаверса Ўрта Осиёда ягоналиги билан ажралиб туради.

Американинг жаҳонга машҳур «Дентсплай» стоматологик компанияси билан ҳамкорликда имзоланган шартномага кўра эса «Стомасервис»чилар тиббиёт техникаларини, стоматологияга тегишли бўлган зарур ашёларни келтириб, мамлакатимиздаги шифохоналарни бу сингари зарур анжомлар билан бойитмоқда.

Шу кунларда Америка Қўшма Штатларининг Стамфорд шаҳридан келган таниқли стоматология профессори Стенли Маченберг «Стомасервис» мутахассислари билан ҳамкорликда бир ой мобайнида турли изланишлар олиб боради, беморларни даволайди, малака алмашинилади.

Қисқаси, бу кичик шифо маскани ўзидан ҳам каттароқ қувонч ва ташвишларни кўтариб, аҳил жамоаси билан халқимиз саломатлигини тиклашда жонкуярлик қилмоқда.

*Соҳибжон САДИМОВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*

**«ЎЗБЕКГАЗСУВҚУРИЛИШ» ОТАЖ**

1998 йил 31 октябрь куни соат 10.00 да акционерлик жамиятининг маъмурий биносида, Тошкент шаҳри, Беларик кўчаси, 22 уйда «Ўзбекгазсувқурилиш» акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлади.

ГУН ТАРТИБИ

1. Бошқарувнинг 1998 йил 9 ойлик якуни бўйича ҳўжалик-молиявий ҳисоботи.
2. Жамиятнинг таъдис ва ички меъёрий-ҳужжатларини Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 361-сонли Қарори билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларига мувофиқлаштириш.
3. Кузатув кенгаши аъзоларини янги таркибини сайлаш.

Тошкент вилояти Янгийўл тумани Муқимий номли 17-ўрта мактабни 1994 йилда тугаллаган Маҳаматов Жаҳонгир Абдураззақович номига берилган А № 454803 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти партия Марказий Кенгаши аъзоси, Қорақалпоғистон республика партия кенгаши иккинчи котиби Э. П. Хошановга акаси Юсуф ПРИМБЕТОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.